

Бақара сураси, 199-оят

08:10 / 06.02.2018 3283

Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглари. Ва Аллоҳдан мағфират талаб қилинглари. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир. Бақара 199.

Ислом тенглик динидир. Бу нарса, айниқса, мусулмонларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлмиш ҳажда яққол кўзга ташланади. Унда кишилар барча имтиёزلардан, белгилардан ва аломатлардан ажралиб чиқадилар. Ҳатто кийимларидаги имтиёзлар ҳам билинмаслиги учун тикилган кийимларни ечиб ташлаб, авратларини тўсадиган икки парча мато билан кифояландилар. Бировдан бировнинг ҳеч қандай фарқи қолмайди. Подшоҳ ҳам, гадоё ҳам, ёш ҳам, қари ҳам, кучли ҳам, кучсиз ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам эҳромда, бош яланг, Аллоҳнинг ҳузурида ўзини хор тутди. Демак, шундай бўлса, Қурайш қабиласининг ёки бошқа кишининг ўзини юқори тутиши, Арафотда одамлардан имтиёзли бўлиб, алоҳида туришлари ҳеч тўғри келмайди. Улар ҳам барча билан баробар туришлари ва одамлар қайтиб тушган жойлардан туришлари керак.

«Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглари».

Шу билан бирга, аввал ўзларидан ўтган гуноҳлар, адашиб-улоқишлар учун Аллоҳга истиффор айтиб, гуноҳларини кечиришини сўрашлари керак:

«Ва Аллоҳдан мағфират талаб қилинглари. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Аллоҳ таоло ҳажда юрган бандаларини истиффор айтишга буюрмоқда. Ҳаж қилдим, гуноҳим ювилди, деб ғурурга кетмасин. Мана шундай улуғ мақомда ҳам ўзида камчилик сезсин. Истиффор айтиш улкан бахту саодатга ҳам эриштиради. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом: «Ким истиффор айтишни ўзига лозим тутса, Аллоҳ унинг мушкулени кушойиш қилади, оғирини енгил қилади ва ўзи ўйламаган томондан ризқ беради», – деганлар.

Имом Насафий ривоят қилишларича, жоҳилият даврида одамлар ҳаж амалларини бажариб бўлганларидан сўнг Мино билан тоғнинг орасига туриб олиб, ота-боболарининг фазилатларини санар эдилар ва машҳур

кунлар ҳамда уларда бўлиб ўтган ишларни эслар эдилар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Жоҳилият аҳли ҳаж мавсумида «Отам кишиларга таом берар эди, тўловини тўлар эди», – деб оталарининг ишларидан бошқа нарсани зикр қилмас эдилар. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалату вассаломга оят нозил қилди», – дейдилар.